

# ТОШКЕНТ

## Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 98 (6. 587)

1988 йил 28 апрель, пайшанба

Баҳоси 3 тийим



Янгиланиш йўлидан

### Хўжалик ҳисоби асосида

«Бу йил инженер-техник ходимлар ва ишчи-хизматчилар оладиган фойда ўтган йилга нисбатан кўпайди» — хўжалик ҳисобида ўтиб йишайётган «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллектив аъзолари ана шундай дейишмоқда. Бу ерда ойлик иш ҳақи маҳсулот ҳажми ва сифатида қатъий боғлиқдир. Янги хўжалик ҳисоби усули шуниси билан коллективга маъқул тушдики, социал тадбирларга, яъни маданий, маънавий ва социал эҳтиёжлар учун кўпроқ маблағ ажратиш имконияти яратилди.


Ҳозир корхонада маҳсулот сифатини ошириш учун қатъий кураш олиб борилляпти. Бунга ўз-ўзича эришиб бўлмаслиги аён. Бу — энг аввало техникавий савия-

ни ошириш билан боғлиқ. Агар корхонада ҳар бир ечим жамон стандартлари даражасига жавоб беролмас, демак, бу корхона бир жойда денсиниб тураверадиган, деган сўз. Шунинг учун эски дастгоҳларни янгилаш зарурати ўз-ўзидан кўриниб турибди. Агар авваллари эски дастгоҳлар учун давлат ҳисобидан тўланса, эндиликда (хўжалик ҳисобига ўтилган) корхона ўз ҳаётидан тўлашга мажбур.

Корхона ҳозир эски дастгоҳини тиклаш, ундан фойдаланиш, унга хизмат кўрсатиш учун ўз ҳаётидан тўлашга ўтгандан бундан эскирган дастгоҳнинг унга фойдаси бўлмай қолди. Шунинг учун кўпгина эски дастгоҳлар янги замонавий дастгоҳлар билан алмаштирилмоқда.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдида

### ЗАМОНДОШИМИЗ



### Бахти-шогирдлар камоли

Қўнғироқ чалиниши билан хонага сониклини чўқди. Ҳамма янги машғулот таратдикини кўра бошладди. Шу пайт эшик қий очилди, ичкарига хушрўйгина аёл кириб келди. Ҳаммининг нигоҳи унга қадалди. Зайтуна Шавкатовна енгил қадамлар билан иш столига яқинлашиб, ўқувчилар билан саломлашди. Сўнг навбатдаги мавзунинг дафтарга қайтди, ўтган галги тошхирқ қандай бажарилганини текшириб қўйди. Муҳим саволлар бериб талабалар кўрган тайёргарлигини аниқлади. Пухта ва лўнда олинаётган жавобдан чуқур қониқиб ҳосил қилган педагог-мастер янги дарсни ёшларга тушунтиришга киришди...

Ҳар гал шундай. Қалб кўри, меҳру-муҳаббатини ёшларга бағишлайётган бу аёлининг ўқув машғулотида жонли ва қизиқарли ўтади. Шу босқичдан бўлса керак, талабалар ҳам Зайтуна Абуталиевага меҳр қўйишган. Уларнинг энг яқин маслаҳатчиси, севимли кишини айлантиган. Унинг 57-ўрта хуна-техника билим юртига йишга келгани аниги йил бўлди. Бунгача ишлаб чиқариш таълими мастери СССР Марказий ҳисоблаш бошқармасининг шахримиздаги лойиҳалаштириш илмий-техникини институтда кўп йил инженирлик қилган. Мураккаб техника ва электрон ҳисоблаш машиналари билан бежало тилиша оладиган янги ҳодима қисқа фурсатдаёқ обрў-этибор топти. Йишга масъулият билан киришди.

Ҳадемай унинг илк қадирдоғлари шахримиз сановат корхоналарига қиш жўнатилди. Улар олган билимларини амалий йишга тадбиқ этишди. Бир сўз билан айтганда ёшлар бошқарадиган техника кўплав коллективлардаги оғир иш жараёнларига барҳам бериб, иш сурушти ва сифатини оширишга таъминлайди. Педагоглик касбини улуглаб келайётган ҳаёт боғбони учун шогирдлари камолини кўришнинг ўзини бебаҳо бир бахтдир.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

СУРАТДА: Зайтуна Абуталиева.

Т. Каримов фотолари.

### Тошкент область партия комитетининг XI пленумига тараддуд

— Долзарб мавзуда суҳбат —

«Кимларга ишонч билдирилади?» — «Вечерний Ташкент» газетасининг шу йил 21 апрель сониде эълон қилинган мақола ана шундай номланган эди. Мақола муаллифи Н. Кузнецов «Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегатлар қандай сайланади? Умумхалқ иштирокида ошқора сайланадими ёки сайланганларнинг фамилияларини бизга маълум қилиб қўя қолишадими?» деб савол берган эди.

Мухбиримиз ана шу савол билан Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудир Р. Қ. Турсуновга мурожаат қилди.

— Маълумки, Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига ваколатлар нормаси КПСС Марказий Комитетининг июнь (1987 йил) Пленумида белгиланган. — дейди Раҳматулла Қўчқорович. — Жумладан, область партия комитетларининг пленумларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан ҳар 3780 нафар партия аъзосидан бир делегат сайланади. Шундай қилиб, Тошкент область партия комитетининг 1987 йил 14 майда бўладиган навбатдаги XI пленумида ана шу олий партия анжуманига делегатлар сайланади.

Коммунистлар ва партиячилар кенг доираси фикрини ҳисобга олиш учун қўйиладиган тартиб мақсадга мувофиқдек кўринади. Бунда делегатликка номзодлар бошланғич партия ташкилотларининг очик партия йиғилишларида ҳарактеристикалари тасдиқланиб, кўрсатилади ва муҳомада этилади. Сўнг уларнинг рўйхати тегишли шаҳар партия комитетларига, район партия комитетларига йўлланади.

Конференция делегатлигига номзод этиб қайта қўришнинг олдинги жабҳасида бораётган энг фал партия аъзолари, ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторлари, халқ хўжалигининг мутахассислари, фан ва маданият арбоблари, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш, социал соҳа ходимлари кўрсатилиши лозим.

Шаҳар район партия активларининг йиғилишларида бошланғич партия ташкилотлари тавсия этган номзодлар рўйхати қўриб чиқилади. Ошқора, демократик равишда муҳомада этиш йўли билан область партия комитетининг пленумида энг муносиб КПСС аъзолари Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегатлигига сайлаш учун танлаб олинади.

### ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Янгирманчи қақирқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг бешинчи сессиясини қақирқш тўғрисида

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область Совети тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунининг 37-моддасига мувофиқ қарор қилди:

1. Янгирманчи қақирқ халқ депутатлари шаҳар Советининг бешинчи сессияси 1988 йил 27 май соат 11.00 да қақирқсин.
2. Совет муҳомадасига қўйиладиган масала киритилсин: — 1986-1990 йилларда Тошкент шаҳар хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида юқори директив органлар ҳамда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қарорларининг бажарилиши ҳақида.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. МИРСАЙДОВ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари В. МАНАСТИРЕТСКАЯ.

### Ҳамкасблар учрашуви



Чет эл делегациялари вакиллари билан бирорта ҳам учрашув ҳамма ерда ҳозир юз бериб келмоқда. Тошкентнинг «Оқшом» газеталари мухбирлари ҳам бундан мустасно эмас. Бизга тез-тез Тошкент билан биродарлашган шаҳарлардан келган делегацияларни кузатиб бо-

ришга, улар билан суҳбатлашмоқда.

Редакциянинг ўзиде ҳам қатор қизиқарли учрашувлар, фойдали мунозаралар бўлиб туради. Болгария, АҚШ, Ҳиндистон делегацияларининг аъзолари «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ходимларининг меҳмони бўлишган. Тилик яхши билмаслик муайян қийинчилик туғдирса ҳам ҳаммаша тинчлик, социал тараққиёт учун курашувчиларга тушунарли бўлган умумий тил топилди.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети журналистлари, Ўзбекистон Журналистлар союзи Тошкент ташкилоти правленесининг аъзолари, туризм ва экскурсиялар бўйича Ўзбекистон Советининг вайкиллари «Политика» газетасининг Москвадаги мухбири Душан Пе-

шинч билан учрашувдан кўпгина фойдали нарсаларни билиб олдилар. Унинг республикамизга биринчи марта келиши. У шахсий кузатувлари, совет кишилари билан суҳбатлари асосида қайта қўриш, ошқоралик ва демократияни янада ривожлантиришнинг бориши тўғрисида қатор мақолалар ёзиш ниятида. Душан Пешинч мамлакатимизда, жумладан Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши ҳақида ҳам турли-туман мақолалар ёзмоқчи. Меҳмон журналистлар мамлакатни ривожлантиришнинг янги шароитларида қандай ишлайётгани, маҳаллий матбуот мухбирлари ўз фаолиятларини қандай қилиб қайта қўраётгани билан қизиқди.

Суҳбат учун ажратилган вақт тугади. Аммо Янгиланган тарқилишга ошқинамас эди. Ҳамкасблар суҳбати яна ўзоқ вақт давом этади.

К. ОЛЫГИНА.

### Уйсозлар байрам шарафига

1-Тошкент уйсозлик комбинатида бошланган социалистик мусобақа илгорлари — А. Закулилов, А. Князев, Ҳ. Зияев бригадалари Биринчи Май байрамини эрбдор меҳнат билан кўтиб олишмоқдалар.

Илгор коллективлар Биринчи квартал тошхирини му-

ваффеқиятли бажардилар. Маҳселан, 2-қўрилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Александр Закулилов бригадаси вақтдан ўзиб ишламоқда. Пардозлаш ишлари бошқармасидан Хусан Зияев, монтаж бошқармасидан Александр Князев

бригадалари ҳам аъло даражада ишлашмоқда. 1-уйсозлик комбинатининг илгор коллективлари Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кўтиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари X Халқаро кинофестивали олдида

### Шаҳар ҳозирлик кўрмоқда

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг ақинда ўтказиладиган халқаро кинофестивали барча тошкентликлар учун катта байрам бўлиши кутилмоқда. Шу кунларда фестивалга қизгин тайёргарлик кўришмоқда.

Фестиваль бош расмони Сергей Васильевич Аванесовнинг ишлари, айниқса, кўп. Ижодий группа шаҳарга оро берибгина қолмай, айни вақтда майдонларда ва кинотеатрларда очилдиган 11 та кўргазмани ҳам безатиш лозим. Бу — уч қитъа кино санъати намойиш қилинадиган уч юздан ортқи стендтин ташкил этади.

Бош расмон ҳатто танлафус вақтларига ҳам иш билан банд — қаергадир телефон қилади, баъзан нарсаларни келишиб олади, эскизлар чивади... Ишлар олдинги киноанжуманларга нисбатан қарийб уч баравар кўпайди. Бу ҳазил гап эмас.

Зеро, бу галги Тошкент фестивали ўзини — юбилей фестивалидир.

— Шаҳарнинг асосий кўчалари, барча кўргазмаларни безаш борасидаги лойиҳа эскизлари ва фестиваль ленталари кўрсатиладиган 15 та кинотеатрдаги ишлар ниҳоясига етказилди. — деди С. Аванесов ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда.

«Рассом» комбинатининг фестивалда қатнашадиган ижодкорлари раиғ тасвир ва графика, халқ санъати элементлари ва фотоплакатлардан фойдаланадилар. Транспарантлар тайёрлаш ишлари ҳам тутайди. Уларда анжуман шiori: «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озолиги учун» деган сўзлар беш тилда ёзилган.

Жуда катта панно тайёрланмоқда. Паннога атиргул тасвири туширилган бўлиб, фестиваль эмблемаси унинг баргларига ўралган. Бу панно «Ўзбекистон» меҳмонхонаси пештоқини безайди.

Меҳмонхона олдидаги майдон ҳам ўзгача қиёфа касб этади. Октябр инқилоби хиёбони теварағида «Совет Ўзбекистони кинохроника кадрларида» кўргазмаси жойлашади. Кўргазмага чет эллик санъат арбобларининг республикамизга бағишланган асарлари қўйилади. Меҳмонхона холларида фестиваль қатнашчилари ижоди билан таништирувчи кўргазмалар очилади.

Санъат саройи майдонида — «Тошкент халқаро кинофестивали», «Кўпмиллатли совет кино санъати», «Совет республикалари — X халқаро кинофестиваль қатнашчилари» ва «Совет Ўзбекистони кино санъати» мавзунда туртта киноплакат кўргазмаси очилади.

Кинообзор вақтинча жойлашадиган республика Киночилар уйида нур билан ҳаракатга келадиган ҳарфлар курлимасини монтаж қила бошладилар.





КПСС Марказий Комитетининг 1-Май Чақириқларидан руҳланган бадий буюмлар фабрикаси ишчилари айни кунларда янада самарали меҳнат қилиб кутлуғ айёмин муносиб нишонлаш учун курашмоқдалар. Ҳар бир цех ва ишлаб чиқариш участкасида фидокорона меҳнат самараси кўзга ташланиб турибди. Айниқса, каштачилик цехи попочилари бу борада алоҳида шахсий ибрат кўрсатишга муваффақ бўлишган. Бу бежиз эмас, албатта. Цехдаги ишчилар ҳаммиса ҳар бир тантанани яхши меҳнат соғалари билан кутиб олган. Одатлашгани. Улар бу гал ҳам аниқ шайларни ишга содқ қилишди. Ҳозирги кунда каштачилар тўрт ойлик планини бажарай деб қолди.

СУРАТДА: Ленин ордени ишондор, смена мастери Саодат Тоҳирова каштачилар билан.

## Комплекс программа бўйича

Мақтабача болалар муассасалари шароитини янада яхшилашда «Кичкинтой» комплекс программасининг тўтган роли катта. Пойтахтнинг Куйбешев районида яқинда ишлаб чиқилган мазкур программда болалар боғчаларини қуриш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ қатор муҳим тадбирларни амалга ошириш масалаларига алоҳида аҳамият берилган. Ун иккинчи беш йиллик давомияда районда 10 та янги боғча қурилади. Шунингдек, эски биноларда жойлашган кўпгина болалар муассасаларининг моддий базалари мустаҳкамланади. Аксарият боғчаларда эса йўл ҳаракати қондаларини болаларга ўргатиш мақсадида махсус автошаҳарчаларни бунёд этиш кўзда тутилди.

Бу каби хайрли ишларни олиб боришда база қорхоналарининг хизмати катта бўлади. «Ташсельмаш», Илчи номли тажриба-механика заводлари, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа оталиқ қорхоналари йўли билан қатор қурилишлар олиб борилади.

«Ўзбекхлопкомаш» заводи эса 426-болалар боғчаси ҳовлисида эртақлар шаҳарчасини бунёд этди. 193-болалар боғчаси яқин орада ўзининг сув ҳавзасига эга бўлади. Уни қуриб беришни 8-автобоза ўз зиммасига олди.

«Кичкинтой» комплекс программасига биноан болалар боғчалари қурилиши асосан янги массивларда қад кўтади.

А. АЛИЕВ.

## ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ЕЗДИЛАР

### ЛЕНИНГА БАҒИШЛАНГАН ФОТОВИСТАВКА

ЛУАНДА. Жума кун Ангола пойтахтида В. И. Ленин туғилган кунининг 118 йиллигига бағишланган фотовиставка очилди. Экспозиция жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлати асосининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида, дастлабки беш йилликларнинг муваффақиятлари, Совет Россия-

сини коллективлаштириш ва индустриаллаштириш ҳақида, Улуғ Ватан уруши жанглирида совет халқи эришган қаҳрамонона ғалаба, СССРнинг давлати асосининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида, дастлабки беш йилликларнинг муваффақиятлари, Совет Россия-

### Реакциянинг яна бир қурбони

БОГОТА. Колумбиянинг Медельин шаҳрида Колумбия Коммунистик партияси маҳаллий ташкилотининг раҳбари Эрнесто Гутьеррес ўлдирилди. Шахсини аниқлаб бўлмаган хотили Гутьерреснинг уйига бостириб кириб, уни автоматдан отиб ўлдирган. Медельин шаҳар кенгаши аъзоси ватанпарварлар союзи сўл коалициясининг вакили Гонсало Аль-

вареснинг айтишича, бу жиноят Колумбия реакциясининг мамлакат сўл қучлари активлари билан раҳбарларини жисмонан қириб юборишни кўзловчи режаларининг таркибий қисмидир. Йил бошидан бери 300 нафардан кўп киши Колумбияда ашадий ўнг ғурухлар бошлаган террор қурбонлари бўлди.

### Телетайп лентасидан

© ҚОҲИРА. Яқинда кун Иордан дарёсининг Габрий соҳилида исроиллик босқинчилар ўз қурбонлари рўйхатини яна икки ном билан тўлдирди. Кеча Ал-Ҳалилдан сал бериди Байт-Рашу қишлоғилик Аҳмад Ҳасан Салим билан Байт-омерлик фаластинлик қиз Наима Мухаммад сносист қосқинчилар ўқидан ҳалок бўлиди. Жазо отряди шу аҳоли пунктларининг кўчаларига бостириб кириб, қирғинбарот қилганда ўнлаб бошқа кишилар яраланди.

Калкиль шаҳрида араб аҳолиси оммавий намойишларини «тинчлантириш учун» қавған бўлимларга қарши зарба уюштирган, исроиллик маъмурият қомандантилик маҳалини эълон қилди. Калкилда тинтув ва қамалаш бўлмоқда. Утган кун Иордан дарёси Габрий соҳилининг ҳамда ғазо секторининг шаҳарлари ва қишлоқларида, шу жумладан Наблус, ғазо Рафат, Халхул, Хон-Юнисда Исроил қўшинлари билан фаластинлик аҳоли ўртасида тўқнашувлар рўй берди.

© ВЕНА. Австрия Коммунистик партияси қурол-яроғларни қамалтириш ҳамда ҳалқаро ҳескиниликни юмшатиш учун, ҳарбий блоклари асосини тугатиб бориш, Умумеропа ҳамкорлигини

таъминлаш, Хельсинки Яқунлави ақтининг моддаларини амалга ошириш учун курашмоқда. Австрия Коммунистик раис Франц Муриннинг «Фалкс-штимме» газетасида эълон этилган баёнотида шулар айтилган.

© ДАМАШҚ. Эрон ташқи ишлар министри Али Акбар Вилотий Сурияга қилган икки кунлик визитини тугатди, шу визит чоғида у САР президенти Ҳ. Асад ҳамда ташқи ишлар министри Ф. Асҳарал билан музокара олиб борди, деб хабар қилади САНО агентлиги.

У жўнаб кетиши олдида Эрон элчихонасида матбуот конференцияси ўтказди. © ПРАГА. Чехословакиянинг Оломоуц шаҳрида илмий-оммабоп ва дарслик кинофильмлари ҳамда телефильмлар, шунингдек «Академия фильм» видеограммалари ананавий умумдават фестивали очилди. Унинг программасига бултур мамлакат студияларида суратга олинган қариб 100 та лента кириштирилган. Фестиваль доирасида сиёсий иктисод фанини ўқитиш жараёнида кинотеатрлар ва кўргазмалар қўлланмалардан фойдаланишга бағишланган махсус халқаро семинар бўлади.

### Объективда — ГДР



ГДРда истиқомат қилувчи кам сонли славян халқи қадимги одад ва анъаналарни ҳамон ҳурмат қилади. Кўп асрлар мобайнида ўзига хос маданияти ва санъатини сақлаб қолган лукичлик сарлар немис меҳнаткашлари социалистик республикасидаги бирдан-бир миллий камчилигини ташкил этади. Улар асосан Дрезден ва Котбус округларида истиқомат қилишади.

«Нус ўйин» — янги йилнинг дастлабки ойларига алоқадор шиган жозибали маросим ана шундай деб аталади. Ана шу маросимда содир бўлувчи воқеаларга ёш авлод катта қизиқш билдиради. Ушбу сурат Фечачу болалар боғчасида олинган. Кичкинтойлар байрамга атаб қўш шаклидаги печеньеларни тайёрлашди. Бу печеньеларни уларнинг ўзи истеъмол қилишга қолмай, қушларни ҳам сийлашади.

АДН — ТАСС ФОТОСИ.

ХАЕТГА ҚАЙТИШ  
Бельгиялик 33 ёшли  
Мияшель Делепин оғир  
хасталикдан сўнг вафот  
этди. Ушбу нохуш хол уй

КАЛЕЙДОСКОП

нафас олиш апарати ўтган  
ли. Опадан уч кун ўтган

## ХАЛҚ НАЗОРАТЧИСИ № 4 (256)

Шаҳар халқ контроли комитетида

### Халол яшаш — турмушимиз тарзи

Вячеслав Владимирович Жигалов бир неча йилдан бери Чилонзор район халқ контроли комитетига раҳбарлик қилиб келади. Унинг жамоатчи муҳбирлиги билан бўлган ушбу суҳбатда район халқ назоратчиларининг олиб бораётган ишлари, тажрибалари ҳақида ҳикоя қилинади.

— Вячеслав Владимирович, район халқ назоратчилари бугунги қайта қуриш даврида қандай фаолият кўрсатишмоқда?

— Район халқ контроли комитетида 8 та штатсиз бўлим ишлаб турибди. Бу бўлимларда 92 нафар тажрибали инспекторлар иш олиб боришмоқда. Уларнинг кўпчилиги ақли жамоатчи, ишлаб чиқариш итзорлари, меҳнат ва партия ветеранларидир. Халқ контроли комитети номига район меҳнаткашларидан ўтган икки ва шу йилнинг ўтган икки ойида 210 ариза ва шикоят хатлари тушди. Комитетнинг ўзида юздан ортиқ киши қабул қилинди.

Бундан икки ой аввал 37-хунара-техника билим юртининг ўқув ишлаб чиқариш мастери М. Миртожиев устидан шикоят хати тушди. Хат текширилганда ундаги фактлар тўла тасдиқланди. Ўқув ишлаб чиқариш мастери М. Миртожиев бир йил мобайнида юлчилик билан шугулланиб келган. Янги ўқишга кеч қолиб келган ёки келолмай қолган ўқувчилардан беш сўмдан ўн беш сўмгача «жарима» олган ва шу йўл билан 185 сўмни ўзлаштириб юборган. Бундан ташқари ўқувчилардан К. Саидов, Н. Мусоев, Н. Хайдаров, Т. Давлатов, А. Қаримов, Д. Алениковларга асоссиз равишда ҳар ойда стипендия ёзилган ва шу йўл билан давлатнинг 624 сўм пули гумдон қилинган. Билим юрти ишлаб чиқариш ва назарий билим журналлари директор ўринбосари В. Тевяшова томонидан мунтазам равишда назорат қилинмаган. Натияжада етти ўқувчи асоссиз равишда дипломга эга бўлган. Комитет билим юртида тартиб-интизом нормалари бўшатириб юборилганлиги сабабли билим юрти директори А. Ильянга қаттиқ виговор берди. Ўз хизмат бурчига совуққонлик билан қараб,

февраль ойида Чилонзор мева-сабзавот комбинатига қарашли сабзавот ombорларидан махсулотлар сотува ўз вақтида чиқмаганлиги сабабли сабзавотларнинг сифати бузилаётганлиги тўғрисида шикоят тушди. Инспекторларимиздан М. Кабулова ва А. Степанянцдан иборат махсус комиссия тузилиб шикоят текширилди. Фактлар тўла тасдиқланди.

Бозорларда картошканинг нархи баянд бўлиб турган бугунги кунда 4-мева-сабзавот комбинати ombорларидан сотува ўз вақтида чиқарилмаганлиги сабабли 40 тонна картошка қириб кетган. Шунингдек, 201 тонна сабзи, 75 тонна шолғом ўз сифатини йўқотиб истеъмолга яроқсиз ҳолга келган.

Комбинатнинг иши чуқурроқ текширилганда бу ерда 1987 йилнинг ўзида 249 киши ишдан бўшатирилганлиги, 1988 йилнинг бир ярим ойи ичига 23 киши ишдан кетгани ариза ёганлиги маълум бўлди. Ўз ходимларининг устидан яхши назорат ўрнатмаганлиги, сабзавот сақлашда қўпол хатога йўл қўйганлиги учун комитет комбинат директори ўринбосари А. Шукуровга қаттиқ хайфсан эълон қилди. Давлатга келтирилган моддий зарарнинг бир қисми, яъни 10 минг 500 сўм ундан ундириб олинган бўлди. Омборхона мудирлари А. Абдурахмонов, А. Исмаилов, Р. Султоновларга 5 минг 500 сўм жарима солинди ва қаттиқ виговор берилди.

Сабзавот махсулотларини ўз вақтида реализация қилиш мағани, комбинатда тартиб-интизомни бўшатириб юборганлиги учун мева-сабзавот комбинати директори У. Назаровга қаттиқ виговор берилди.

Революцион қайта қуриш, ошқоралик ва демократия чуқур илдиэ отиб бораётган бугунги кунда район халқ контроли комитети меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларини чуқур ўрганишини давом эттириверади.

Суҳбатни Р. АКБАРАЛИЕВ ёзиб олди.

### Махсулот етказиб беришни таъминлайлик

Тошкент шаҳар халқ контроли комитети ўзининг навбатдаги мажлисида шаҳар саноат қорхоналарининг махсулот етказиб бериш мажбуриятлари

ҳамда махсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планларини қандай бажараётганлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Текширишлардан маълум бўлдики, шаҳардаги айрим саноат қорхоналари махсулот етказиб бериш планларини тўлалигича бажармаётди. Паст сифатли махсулот ишлаб чиқариш давом этмоқда, шартнома интизомни бузишмоқда. Шу сабабли катта ҳажмда жарималар тўланмоқда. Тошкент лак-бўёқ заводи (директори Ф. Т. Мирзаев) 1987 йил ва 1988 йилнинг биринчи кварталда махсулот етказиб бериш планларини бажармай келди. Ўтган йили буюртмачиларга 2,1 минг тонна махсулот етказиб берилмаган бўлса, шу йилнинг биринчи кварталда улар 1,9 минг сўмлик лак-бўёқ махсулотларини ололмадилар.

Бу белгиланган ҳажмда ва ассортиментда махсулот ишлаб чиқарилмаётганлиги ва ўз вақтида тайёр махсулотлар ombорига ҳайбаракалчилик оқибатидир. Давлат арибтражи бунинг учун қорхонадан 1,3 миллион сўм жарима ундириб олди. Завод брак махсулот учун эса 76,6 минг сўмлик жарима тўлади.

Бундан ташқари қорхонада фондсиз махсулот жўнатиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Чунончи, ўтган йили фонdda белгиланган 6,5 тонна махсулот жўнатиб юборилган. Заводда хом-ашёдан фойдаланиш ҳам ўлда-жўлда. Масалан, 606 минг сўм-

лик хом ашёдан фойдаланилмаётганлиги аниқланди.

«Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси (директори О. А. Алишбоев) ҳам ўз мижозларига 6 миллион сўмлик махсулот етказиб беролмади. Натияжада 497 минг сўмлик жарима тўлашга мажбур бўлди. Цехлараро ярим-фабрикатларнинг бир маромда етказиб берилмаётганлиги, асбоб-ускуналарнинг беҳуда туриб қолаётганлиги, махсулот сифатининг пастлиги, ишчилар малакасининг етишмаслиги тўғрисида шундай ҳол юз берди. Планларнинг бажарилишмаслиги ва махсулот сифатсизлиги учун бирлашма 3,4 миллион сўмлик фойдадан маҳрум бўлди.

«Средазлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси (бош директори В. Б. Бобоев) ҳам махсулот етказиб бериш бўйича ўтган йил планини бор-йўғи 90,3 процент бажарди, холос. Буюртмачиларга 7 миллион сўмлик махсулот етказиб берилмади. Пировадиди қорхона 1 миллион сўмлик жарима тўлади.

Махсулот етказиб беришга масъул бўлган юқоридаги қорхоналарнинг раҳбарлари ишига халқ контроли комитети тегишли баҳо берди.

М. ХАЛИЛОВ.



«Қизил тоғ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллектив махсулот сифатини йилдан йилга яхшилаш йўлида самарали тадбирларни амалга оширмоқда.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) тайёр махсулотлар цехининг халқ контроли рейд бригадаси аъзоларидан — Н. Азимова, мастер У. Алимова ва бригадир М. Нурмухамедовлар махсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

Т. Қаримов фотоси.

### ТАЪСИРЧАНЛИКНИ ОШИРИШ

Шаҳримиздаги 3-автобус паркиннинг халқ контроли гуруҳи паси янгиликни йўлидан бо-  
раятти. Парк халқ назоратчи-  
лари ишга янгица ёндошиб,  
рейд ва текширишларнинг са-  
марадорлигини тобора ошир-  
моқдалар. Жумладан, шу йил-  
нинг биринчи кварталда олти

### Танқид ўти остида

— Бу нима! Ахир қачонга-  
ча менга гап текказсанлар!  
Бош инженер индамайгина  
хат билан танишимга тушди.  
У нима ҳам дерди. Бунинг у-  
стига бarcha ишлардан бош-  
лиқнинг ҳам хабари бўлса.  
Бундай вақтлар сукут сақлаган  
яхшироқ.

жатарисиз ўтказишни ис-  
ботлаб берди. Ремонт акла-  
ри эса сифатсиз эканлигини  
кўрсатди.  
Олимпиада массивида бунёд  
этилган 3-ўй ўтган йилнинг  
сентябрида фойдаланишга  
топширилганга қарамай,  
унинг лойиҳа-сметаси 1987  
йилнинг 12 ноябридагина  
буюртмачи томонидан тас-

### Группа ва постларда


### Сифат масаласи эътиборда

Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатининг халқ контроли бош гуруҳи составига 96 назоратчи бириккан. Қурилиш ишларидан ташкил топган бу ишчи ва хизматчилар ўз

Одамлар тиниб тинчмаган-  
да. Уларнинг ремонт қилиб  
берсанг ҳам устиндан шикоят  
қилишад-я! Яхшиликка —  
«ионлик» деб шунга айтсалар  
қерак. Ахир иш бунор жойда  
камчилик бўладида. Хўш, ре-  
монт ишлари бироз чала бўл-  
са нима қилибди! Қолганини  
ўзинг тузатарсан. Шунгамай ота

ишчилик билан ен-





Беруний кўчасида жойлашган «Педагог» китоб магазини «Ташкин» идорасининг илгор коллективларидан саналади. Бу ерда жавонлардан ўрни олган мактабни қайта қуриш, халқ маорифи, турли методик адабиётлар мавжуд. Шу билан бирга хари-дорлар сотувчиларнинг намунали хизмати-дан мамнун бўлмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

# Кардошлигимиз абадийдир

ТОШКЕНТДА ОЗАРБАЙЖОН ССРНИНГ СОБИТ РАҲМОН НОМИДАГИ ШЕКИН ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИ ГАСТРОЛЛАРИ

Бугун Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри биносидан Озарбайжон ССРнинг Собит Раҳмон номидаги Шекин давлат драма театри гастроллари бошланади. Бу гастроль сафари озарбайжон халқининг маърифатпарвар фарзанди Мирза Фатали Охундов таваллудининг 175 йиллигига бағишланган. Шу муносабат билан театр директори Нозим Мамед ўғли Билолов мухбиримиз билан ўзбек ва озарбайжон халқларининг кардошлик алоқалари тўғрисида суҳбатлашди.

— Хурматли Нозим Мамед ўғли, театр коллективининг Тошкентдаги гастроль сафари муносабати билан қандай фикрлар билдирасиз?

— Бизнинг Собит Раҳмон номидаги Шекин давлат драма театри жуда ёш. Унинг ташкил бўлигани ўн беш йил бўлди. Театр репертуаридан ўрни олган асарлар мавзун доираси кенглиги билан диққатга сазовор. Шунинг учун ҳам биз ижодий маҳоратимизни Тошкентда ғайрат ва шижоат билан намойиш қилишга бел боғладик. Бу шунчаки оддий гастроль эмас. У кардошлигимиз алоқаларининг ёрқин рами-зи, ижодий ҳамкорлигимиз йўлидаги яна бир янги боқич ва давр, театр маҳорат ҳақи-да кичик халқ вакиллари қиз-гин фикрлашадиган палла ҳам-дир.

Биз гастроль чоғида Мирза Фатали Охундовнинг «Мусе-Жордан ва Дарвиш Мустали-шо» икки қисмдан иборат музикали комедиясини намо-йиш қиламиз. Спектаклдаги асосий ролларни икки этиш-да артистларимиздан Айшад Мамедов, Мухтор Ибодов, Ил-хом Алиев, Рафиқ Юнусов, Қамар Мамедов, Ганира Ма-медов, Фармон Абдуллаев, Хонлар Гашмишова ва бошқа-лар қатнашадилар. Бу асар сиз ўзбек томошабинлари кўп йил-лардан бундан билмайдиган «Ар-Шайн молон» ва сизларнинг «Майсарининг иши» сингари асарларингиз каби қувноқ ва кичи-кичи бағишлайди. Унда оддий кишининг соф қалби, ҳаёт муаммолари, сев-ги ҳақида фикр юритилади. Бу ерда бир нарсани ай-тиб ўтиш кераки, Мирза Фа-

тали Охундов бизнинг Ше-кин шаҳрида туғилиб вояга етган ва шу ерда ижод қил-ган. Шаҳримиз чиндан ҳам заифлар маскани. Озарбай-жон ёзувчилари Собит Раҳ-мон, Бахтиёр Вахобзода, бас-такорлар Шафига Охундова, Эмил Собит ўғли ҳам шу ер-да туғилган.

— Театр коллективининг ижодий ютуқлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Театримиз коллективи ўзининг ижодий фаолиятида озарбайжон, совет ва жаҳон драматургларининг асарлари-га кўп марта мурожаат қил-ган. Биз Болгария, Венгрия, Руминия, ГДР, Чехословкияда ўтказилган фестивалларда қат-нашиб совринлар олганмиз. Бундан ташқари Арманистон, Грузия, Татаристон автоном республикаларида ва озолик ор-оли Қубада гастроль сафа-рини ўтказганмиз.

— Театримиз саҳнасида Соци-алистик Меҳнат Қаҳрамони, та-диқли қирғиз адаби Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик Аю» асари қатта муваффақият билан саҳналаштирилди. Ут-ган йили унинг биринчи бор

## Бизнинг интервью

## Театр гастроллари:

ТОШКЕНТДА

Ленин комсомол номи Ошкентда томошабинлар те-атрининг ўзбекистон пойтах-тида гастроль программаси М. Рошнинг «Оғир» хато-песаси асосида тайёрланган спектакли билан очилди. Уни партия азаси бўлган 17 ашл рус қиз, қишлоқ хунар-техника билим юрти талабаси Надежда Белоголова ҳаёти-дан олинган лавҳалар деб изоҳлаш мумкин.

Россидаги шаҳардан келган меҳмонлар Тошкентда қўра-тиш учун ўз репертуарларида-ги энг яхши спектаклларни та-наладилар. 12 та спектаклнинг ҳаммасида турли ёшдаги то-мошабинларнинг қизиқишлари эътиборга олинган. Л. Кор-сунскийнинг театр саҳнасида тўққиз йилдан бери ўйналиб келинаётган «Қаллоб» пьеса-сида маънавий масалалар кў-тарилган. В. Мурзаковнинг «Қаерда яшасан, ақил» пьеса-си ўзaro инсоний муно-сабатларга бағишланган. К. Сергеевнинг «Алиби» жар-лик пьеса-си бу гал янги тар-кили томошабинлар ҳўжмга ҳавола этилган.

Ошкент артистлари болаларга ателган етти та спектакли олиб келишди. Улар орасида М. Шолоховнинг илк ҳикоялари асосида тайёрланган «Шил-қим» лақабли Мишка Корш-нов ҳақида эртак, В. Ол-шанскийнинг «Кичик буви», пьесалари, В. Лифшицнинг «Шамолни даладан изла» му-зикали комедияси бор. Ки-чинтойлар эса Е. Шевроининг «Қизил Қалпоқчи» эртак-спектаклининг томоша ки-ладилар. Ошкент томоша-бинлар театрининг поста-новкалари шаҳардаги олти-театр саҳнасида, жумладан, тўқтинчилар, авиасозлар, трактор заводи маданият са-роиларида кўрсатилади.

Ошкентда

Тошкент рус ёш томошаби-лар театри бир ойга жоножон шаҳридан жўнаб кетди. У Ошкент томошабинлари билан илк бор учрашш учун гас-троль оланди. Ижодий кол-лектив гастроль программаси-га ўз репертуаридаги спек-таклларини барчасини ки-ритган. Улар орасида Комил Яшиннинг «Нурхон» пьесаси, Ю. Дунский, Р. Фрид, Г. Ми-теннинг «Порла, порла, менин юлдузин» романтик трагико-медияси, В. Железняковнинг «Бойкот» лирик пьесаси, А. Воллодиннинг «Калтакесас» деб аталган саҳна ҳикоялари бор.

Ошкент томошабинлари теат-рининг ижкита янги спектакли-ни ҳам томоша қиладилар. Бу Ленинградлик драматург Л. Разумовскийнинг «Азизим Елена Сергеевна» пьесаси асосида тайёрланган спек-такль бўлиб, унда баъзи ёш-лар дучор бўлган маънавий-ахлоқий ҳалатларнинг ман-балари таҳлил этилади. И-ккинчи спектакль саргузашт трагикомедия, «XXI аср та-лики» деб аталган. В. Ол-шанский пьесаси асосида саҳналаштирилган бу асарда ўсимлар ва уларнинг мураб-бийлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ошкентда

Республика қўғирқок театри яқинда Хиндистон сафаридан қайтиб келди. Театр бу мам-леката деб ойдан ортиқроқ вақт мобайнида томошалар кўрсатди. Энди яна сафарга оланди. Бу гал артистлар Чимкент шаҳри ёш томоша-бинлари ҳузурига борадилар.

Коллектив у ерда фақат бит-та спектаклни — А. Хайт ва А. Курляндский пьесаси асо-сида тайёрланган «Сенини, бў-ри, шомай тур» асарини олиб борадилар. Болалар кўпчили-ки орасида машҳур бўлиб кетган ва ўзлари севиб қолган мулти-фильм қаҳрамонлари билан бўладиган учрашувини сабр-сизлик билан кутишмоқда. Бироқ саҳнадаги саргузаштлар кинодаги воқеаларга бутун-лай ўхшамайди. Унда жуда кўп янги, кутилмаган, кутили-воқеалар бор.

Чимкентда

Чимкентда

Чимкентда

Чимкентда

Чимкентда

Чимкентда

Чимкентда

## Ота, она ва фарзанд (Икки қатра)

Болаларим, сени иссиқ на-фас олиб, пишиллаб ором би-лан ухлашингга эриксиздан, тўймасдан соатлаб телангда термулиб ўтираман.

Сенга кўзимни узмасдан тер-муламану хайратланаман, шод-ланаман. Назаримда энди мен нини одамга бўлингандайман. Назаримда ўзини кўришга ой-нанинг нераги йўндай, чуқни сенга қарайману ўзини кўр-гандай бўламан. Сенинг юшу кўзларинг, ноқоқларинг, кип-риқларинг, ҳатто пучуқ мажи-жи бурнинг куйиб қўйгандай менга ўхшайди. Шуларни кўра-ману Сенда ўзини кўргандай севишиб нетаман, шодланаман, табиит мўъжизасидан хайрат-ланаман.

Болаларим, сени кўраману шўх қийқириб кулишларинг-ни, тотли ёқимли Янглашла-рингнинг эшитиб куюқларинга ишонгим келмайди. Наҳотки, мен ота бўлмай!

Ҳа, мен ота бўлдим... Лекин, лекин кўнглим гадарди отаним кўйсайди...



## Инсон одоби азиз

Я ҚИНДА шундай бир во-қеа бўлди. Ўн беш-ўн ол-ти ёшлардаги йигитча билетни-ни компостер қилдирмаган-ларини текшириб юрар эди.

— Йўқол, кўзимдан, — ба-лар кўрди унга баҳайбат мўйов-ли бир киши. — Уялмайсанми, билет текширгани! Ота-онанг ўлганми ё?

Бир-биридан совуқ бу сўз-лардан ёш йигитчанинг ран-ги ўчиб кетди.

— Йўқол даялман! — Жун босган кўлини унга палахас қилди киши. Мен ўрнимдан туриб, «бўйни йўғонининг би-лагидан қандай тутганини билмай қолдим.

Шу пайт кимдир: «Нима қи-ласиз ўртага тушиб», — деди. Унинг юзига юзими тегай деб турарди.

— Нима, ўғлингизми у? Бўл-маса, нега мошўғурдага қатъ қилишсиз? — деди мўйовли киши кўзлари чимкайиб.

— Ҳа, кимимас. Нима қилти билет текширса? Нимаси малол келаяти, сизга?

— Ҳозир унга ўргатиб кўя-ман ҳаммасини! — қўлимдан чиққисга уринарди боғи киши. Аввал баттар чувилашиб кетдики.

Ниҳоят автобус тўхтади.

— Нима бўпти, а, билет тек-ширса! Осмон узилди ерга тушибдики! Сизга оғирлиги тушпайми? Сал ўпка деганини босиб олиш керак, — дедим.

— Тилингни узардим... — ўшиқиди у киши йигитчага муштумини ўқталиб, — бекор аралашсангиз-да мулла! Кўри-нишдан зибёли одамга ўхшай-сиз-у.

— У ёш бўлгани учун билет текширма, даялсанми! Нега овқ учидан кўрсатсангиз бўл-мас! Мана шу йигитча эртага сиз билан бизнинг ўрнимизда бир касбини эгаллайди, бизга ўхшаб оёру-этибор топади. Нега менсимай қараясиз?

Мўйовли киши сўзларимга эътиборсиз, тексери қараб жо-янига ўтирди, қошини чимириб елпина бошлади.

— Ўз ўғлингиз бўлганда шундай қилмасдингиз, тўғри-ми! — дедим.

— Калласини сапчедай узиб ташлардим! — шартта юзлан-ди мўйовли кўзлари кинидан чиққанда.

Мўйовли киши бир нима демоқчи бўлиб хезландию, шошиб тушиб кетди.

бор, мол-дунё кетидан қувиш-майди, — деди мактаб дирек-тори, — ўғил-қизимизни кўли-миз узунлигидан аспирантурада ўқитайлик, дейишди. Бу бил-лан бахтли бўладими! Йўқ. Нега дейсизми! Фақат ҳалол меҳнатгина бахт келтиришини ўргатишмайди. Ҳа, меҳнатгина! Шунинг ўргатиш. Майли, у қа-нақа касбда бўлмасан йўлини топиб кетади кейин.

— Нега унда ўғлимга «беш» олганга бола кейинчалик ўз касбидан нон топиб ейиши қийин, дебсиз? — деди кор-хона раҳбари. — Не-не «беш» олганлар ўзингиз айтгандек ялло қилиб, маҳаллада ошиғи олчи бўлиб юришбди-ку.

— Вақтинча булар, — жа-воб берди мактаб директори, — фақат баҳосига қараб ке-лаётганини белгилаб бўлмайди. «Баҳо» билимининг кўрсатади-ган бир белги. Аммо тарбия-син, ҳа, ҳа тарбиясин биз ун-инг энг муҳими!

тарбия бўшашса, унинг мак-табда эшитган гаплари у ку-логидан кириб — бу қулогин-дан чиқиб кетаверса.

Директор борган сари тўто-қарди. У баъзи ота-оналар ёш болани энг сўнгги модада ки-йинтириш, ённга жарақ-жа-рак пул солиб қўйиши, сочини елкасига тушириб юриши, ота-оналар йигилишига иш кўпи-лини баҳона қилиб бормаслиги ҳақида куюнчақлик билан сўз-ларди.

Аммо ўшанда ота ўз айбини тушунмади. Тўғрироғи, тушу-нишни истамди. Бу баҳсда шундай бўлдики, ҳеч ким ўзи-ни айбдор ҳисобламасдан, бутун айбни бошқаларга тўн-кади...

Ҳаёт фақат бир хил ранг-дан иборат бўлмаганидек, одамлар ҳам ҳар хил бўл-ган. Галламан олиб кўринг. Оқ-қора иплар туташиб кет-ган-га! Ҳаётда ҳам шундай. Оқу қора, барча иплар шундай

Бу гулшан ячраки йўқтур баҳо гулгига сабот, Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.

Алишер НАВОЙИ.

## Бунисида ютсинда...

Телевизор дегани оғир бир юк бўларкан. Прокатдан кўри-б келгунимча нима-тиқкам қури-ди. Кўйиб кўрдим, ҳаммаси жойида. «Эртага Пулат от-пусқадан келса, унга сиорпиз бўлади», — деб ўйладим. Пу-лат — ўртоғим, бир хонада яшайми. Касбимиз ҳам бир хил — қран ҳайдовчи. Энди-гина телевизорни қўйиб «ҳай-воно! оламиди» кўрсатувини томоша қилётган эдим, эшик-дан кимдир мўралади. Нота-ниш.

— Салом, Омонтой! Ишла-ринг яхшим! — деди у.

«Зангори эркандаги тил-соқларини бирга қўра бош-ладик. Шу пайт хонага яна икки киши кириб келишди.

— Ну, оқсоқол», бу ётоқ-хона эмас, байимсоқ пюкс ме-хмонхона, — дейишди.

Мултифильм бошланганда юқори қаватдагилар биратла кўйиб тушишди. Хонада эн-ди оёқ босишга ҳам жой йўқ эди. Тўғри келган томоша ёнбошлаб олиб чека бошлаш-ди.

Шу пайт сариқдан келган майкачан йигит телевизорга ёпишди.

— Ҳозир мен сизларга му-зикали программани топаман, — дея шакиллатиб бурай бош-ладим.

Яна битта «билимдон» бир амаллаб, телевизор ёнига ўтиб олдида «Нега ёмон кўр-сатаяпти!» деб вилтарини бу-рай бошлади. Ҳаммаси шун-дан бошланди. Биттаси овози-ни пасайтир деса, бошқаси баландроқ дейди. Бирови ко-рароқ рангда кўришни иста-са, бошқаси оқини хоҳлайди.

Мен бурчада тикилиб қол-ган, ҳеч қанқирлай оламасдим. Турган жойимда «меҳмон-ларга яқиндир: «Болалар бу-зиб қўйманглар, итпимос, те-левизор прожатики».

Шундай гала-гору қўтарил-дик, ҳозир мени ётоқхонадан олоқтиришди. Деб ўйладим. Хайрият бахтига ердан чиқ-қандай қорувул пайдо бўлди.

Носир ЖАКЕБАРОВ.

Она ҳозиргина хизматдан ку-тиб, ҳарбийдан уйига, эсо-мон қўйган ўғлини кўргани-дан кўнгли-қўшнлар, қарин-дош-уруғлар билан кўришар, саломлашар, ҳол-ахвол сўра-шарди-ю аммо уларни қандай қилиб кутиб олади, нималар деб жавоб берди, англай олмади. Чунки у ўзини бутунлай хур-сандчилидан йўқотиб қўйган-ди. Ахир қувонмай бўладими, биттаю битта ўғли бўлса-ю шунчалар куттиб, ниҳоят бу-гун дийдорига эришса! Ким би-лан ҳол-ахвол сўрашасини, кўли қай ишга бормасини кўз-ларини тезда ўғлини топиб олар, хумор бўлган нигоҳини ун-дан узолмас, қувончи, шодли-ги терисига сигмасин. Ниҳоят келди-кетдилар хил тингач, Она ўғлини ичари уйга етқи-лади.

— Болам, устингдаги ҳар-бий кийимини ечиб, бошқалари-ни кийиб ол, юр қўзим, сенга бирам қиройил энгиллар олиб қўйганми, — деди меҳрибон-лик билан.

Ўғли онаси узатган кийим-бошга синчиклаб разм солар-кан, юзидан хурсандчилигини аломатлари узарди. Қовоғи осилди, норози оҳангда ки-йиниб, янги келган меҳмон-лар қаршисига чинди. Кечга-ча ўғлининг кайфияти бошга очилмади. Она ҳайрон, унинг бошида парвона — ҳали уни, ҳали бунинг оғизга тутадди. Ле-нин ўғлининг қовоғи очил-мади. Ниҳоят ёши олдидан кўнгли тўлмай ҳавотирланиб сўради:

— Тинчилими, болам, то-бинг қочиб қолмапти? Ўй-дегандай бошини нимират-дан ўғилдан яна кўнгли ти-чмай сўради. — Нима бўлди, нимага ҳомушсан?

Ниҳоят ўғил тилга кирди:

— Иккин йил армияда юриб келдим, бор-йўғи шунини олиб қўйган кийимларингиз! — де-ди эгизидан қўйла-шминини менсимайроқ кўрсатиб.

— Нима қилти кийимларинг-га? — деди кўлиб она.

— Шинини қаранг, ким киниди бунинг? Бундан кўра солдат шинини тороқ. Қўй-ламини қаранг — ўзимизники-ку. Ҳозир дўппини ким кинди? Тузуқроқ матоҳ топи-ладими, шуларни кийиб юра-манми?.. Олмасангиз бўлар-кан, яхлиси пулнигин ўзини юборганингизда ўша ерлар-дан импортнинг олиб кел-ларини, шунга ҳам ақлингиз етмайдими, ойи?..

Ўғли яна нималар деди, ле-кин онанинг қулогига бошга ўзлар эшитилмади. Бир қараш-да ўғлининг гали арзимаган-дай эди. Лекин онанинг юзи-дан аруғлини сўнди, нурли та-бассуми йўқолди...

Шавкат АЗИЗОВ.

## Турмуш чорраҳаларида Бахтия зомин бўлман

— Қўйсангизчи! — қўл сил-тади корхона раҳбари. — Ун-дан кўра, ўзининг тарбиялай-лик, дегу, ўғил бола гап бўла-ди, бу! Уйда туппа-тузуқ, кап-катта кишинларнинг кўчада о-зидан бодиб кириб, шоди чи-қади-ю тагин она-соти оғиздан кетмагилар ҳақида гапир-сиз!

— Ҳўп: «Кўчада бутун ким билан, нима ҳақда гаплаш-динг» деб сўраганимиз ўзи! — деди мактаб директори ҳам бўш келмай. — Ҳеч йўлга сол-ганмизми?

— Кўнмининг тергов билан ўтказайми ё бола-чақа боқай-ми?

— Тарбия-тарбия дейсиз-у, аввал қалавининг учини то-пиб олиш керак. Ҳозир Кри-ловнинг машҳур масали эсим-га тушди, оққуш, чўртганбалик ва қисқичбақа ервани уч та-рефга тартади-ю ҳеч силжи-толмайди. Шунга ўхшаб икко-вимиз ҳам...

— Қалавининг учини оилада, қоларевса сизда! — деди ди-ректор чўрт кесиб. — Биламан, ҳозир кўнмингизда «Тарбияни мактаб берсин, оиланин жа-рақ-жарақ олгандан кейин. Ҳамма айб мактабда», — де-моқчисиз, шундайми, топдим-ми! Кейин айб кўчада, жа-моатчиликда! — деди қизиш-у, — ҳамма бало шунда — ана шу кўча бузаяпти болаларни. Узингизга маълум, ўқувчининг кўп вақти, олимларнинг айти-шига қараганда, 85 фоиз вақти мактабдан ташқарида ўтади. Шундай бўлганда кейин оила-даги тарбия қанчалик муҳим бўлса, кўча, жамоат ўртасида-ги тарбия бундан ҳам муҳим. Агар кўча ё жамоат жойида

бир-бирга қатишиб кетгани, биринга оқ илпини тортиб ол-сиз, бутун галлама ситилиб кетади. Тарбия ҳам худди шунга ўхшаб мураккаб жара-ён.

Мана, баъзи кузатишларим. Бир кунини сиф раҳбари ке-либ, девдор-даринан кўшмин-га шундай деди:

— Ҳўш, айтингчи, неча мар-та болангизни енгил машина-да мактабга олиб келманг, деб огоҳлантирдим? Қани тил-жа-рингиз бўлса, айтингчи, айт-мади деб!

— Ҳа, бўлмаса аравада олиб бораёйми? — деди кес-тиб ота, ҳамма нарсга замо-нига яраша-да.

Кечқурун эса ўша қўшмин билан хотини ўртасида мана бундай суҳбат бўлиб ўтди:

— Вой, бу ўғлингизнинг бу-гун қилган жанжали! — деди хотини кўйиб-пишиб, — қан-дайдр чет эл кийимин олиб берасан, — деб оғвини ти-раб олса бўладими ўғлингиз! «Ҳўп, айдан келсин, гаплаша-ман», — дедим. «Бизнинг кам-панида фақат менда ана шу мода йўқ», дейди-да. Вой, на-мунача чет эл уст-бошига ўч бўлмаса бўлар!

— Ору-ҳавас, ҳа онаси, за-монасига яраша, ўйнасин, кулсин, қўявер! — деди ота.

— Биз кўп қийинчиликни кўр-дик, онаси. Кунжара еган пайтларимиз эсингдан чиқди-ми? Ҳозир мана, тўқчилик, ўйнаса ўйнабди, кийса-кийиб-ди-да, ёшлар.

— Аммо мода кўргуриниям охири йўқ экан-да; адаси.

— Қўявер, парво қилма, — деди ота. — Бошқа тенкурлар-ни кийганда ўғлингиз мунгайиб юрсинки! Шунини хоҳласанми! Ахир, кампаниядан орқада қолиш ярамайди-да. Одам



Тингла, жоним, сенга бир қўшиқ айтаман.

Ҳамид ИКРОМОВ.

## Бу—қизиқ Кафтдаги чақалоқ

Хитой матбуотида Сигуань вилоятининг кичкина қизчаси ҳақида хабар пайдо бўлди. Минглаб кишилар унинг уйига, ота-оналари олдида келиб турнибди. Унга ҳар хил одам-лардан юзлаб мактублар кела-ди.

Қишлоқ врачининг қизи Сю Изияньюань нимаси билан машҳур бўлди!

Қизча туғилганда оғирлиги 250 грамм, бўй эса атғи 15 сантиметр бўлган чақалоқча қоласканинг ҳам зарурияти бўлгани йўқ, у ота-онанин қиф-тига бемалол сизди.

Уч ёшда қизча юришни ва сўзлашни ўрганди. Ушанда унинг оғирлиги ҳаммаси бўлиб бир ярм килограммин, бўй эса 30 сантиметрини ташқил этарди. Кичкинот! Свонинг соғлиғи яхши. У ҳеч қандай касаллик билан оғирмайди. Қизчагининг турт ёшлик ораси ва 8 ёшли акаси бўлиб, уларнинг бўйи ёшга тўғри келади.



